



Психологик хусусиятларни амалий ўрганиш: ёнашувлар такомиллашуви

Садриддинов Сухроб Рустамжонович

ТИФТ университети

“Педагогика психология” кафедраси доценти,
Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Садриддинов Сайроб Рустамжонович

1-курс магистр

Аннотация

Мазкур мақолада психологик хусусиятларни назарий-амалий ўрганиш ва илмий хулосаларни психологик фаолиятни ташкил этишда амалий жиҳатда ёритилган.

Калит сўз: таълим-тарбия, фундаментал, мотивация, этнос, ижтимоий институт, фундаментал акмеологик, метод.

Аннотация

В данной статье теоретико-практическое исследование психологических особенностей и научные выводы в организации психологической деятельности освещаются в практическом аспекте.

Ключевые слова: образование, фундаментальность, мотивация, этнос, социальный институт, фундаментальный акмеологический метод.

Annotation

In this article, the theoretical and practical study of psychological characteristics and scientific conclusions in the organization of psychological activity are highlighted in a practical aspect.

Key words: education, fundamentality, motivation, ethnicity, social institution, fundamental acmeological method.

Жамият ҳаётининг ижтимоий, иқтисодий, маданий ва сиёсий соҳаларини таъминлаш замирида таълим-тарбия, фан ва техникани тараққий этгани мужассамлашган бўлса-да, уларнинг замирида барча ўзига хосикликни ифода этган инсон говдаланади. Шу сабабли баркамол инсонни тарбиялашдан нафақат алоҳида этнос, балки бутун жамият аъзолари манфаатдордирлар. Таълим-тарбия бобида баркамоллик феномени камол топтирувчи, жипслаштирувчи, мобиллаштирувчи, тартибга келтирувчи, бирлаштирувчи, ибрат бўлувчи каби функцияларни бажаради. Баркамоллик феноменига доир бир қатор илмий таълимотлар яратилган бўлиб, уларнинг бош ғояси этиб ҳар қандай вазиятларда шахсий кадриятларига содиқ қолиб, турли фаолият билан шуғулланувчи бунёдкор инсонни камол топтириш ҳисобланади. Мазкур масала назарий-методологик мазмун касб этиб, амалий-психологик тадқиқотларни амалга оширишда, аниқроғи психометрик услубларни қўллаш ва жамланган психологик мълумотларни таҳлилини муваффақиятли баёини таъминлайди. Уларнинг муҳимларини қуйидагича келтириб ўтамз:

психологик тадқиқотларда фундаментал акмеологик ёндашув (А.Деркач, Н.Кузьмина, Е.Селезнева, В.Софьина, Э.Сайко, Ф.Шоумаров, И.Маҳмудов);



психологик тадқиқотларда психика ва фаолият ривожланишини таъминлаш асосида ёндашиш (Б.Ананьев, А.Леонтьев, С.Рубинштейн, Б.Теплов, М.Давлетшин, Э.Ғозиев, Б.Қодиров ва б.); психологик тадқиқотларда таълим-тарбия воситасида инсонни психик камолотга еришишини таъминлашга доир ёндашув (М.Кремень, Н.Талызина, В.Зобков, Е.Исенина, В.Басова, Э.Сатторов, А.Жабборов, Б.Умаров ва б.);

психологик тадқиқотларда инсон камолотини таъминлашда фанлараро ёндашиш (Н.Кузьмина, Б.Ломов, В.Назаров, А.Субетто, З.Румянцева, В.Скворцов, А.Шарухин, Р.Самаров, З.Нишонова ва б.);

психологик тадқиқотларда фаолиятга структуравий-функционал ёндашув (А.Ковалев, Н.Кузьмина, Е.Карпова, К.Мальшев, Н.Нижегородцева, Ш.Баратов, Ф.Акрамова ва б.);

психологик тадқиқотларда мотивация ва шахсинг йўналганлигини таъминлашга доир ёндашув (В.Асеев, Л.И.Божович, В.Васильев, А.Имичев, Ф.Герцберг, Е.Климов, А.Маслоу, Н.Обозов, В.Каримова, Н.Сафаев ва б.);

психологик тадқиқотларда шахсий ва касбий камолотга эришишни таъминлашга доир ёндашув (А.Деркач, В.Зыкин, Н.Кузьмина, Н.Кухарев, М.Манойлова, В.Софьина, С.Ю.Ахроров, Д.Муҳаммедова ва б.);

психологик тадқиқотларда ижод, қобилият ва касбийлашувни таъминлашга доир ёндашуви (А.Деркач, Д.Богоявленская, В.Марищук, Л.Марищук, А.Петровский, Н.Фетискин, В.Д.Шадриков, Б.Қодиров ва б.);

психологик тадқиқотларда компетенциявий ёндашув (А.Зимняя, В.Басова, С.Кошелева, Н.Кузьмина, М.Кашапов, Н.Фетискин, У.Қодиров ва б.);

психологик тадқиқотларда мураккаб касбий ва ҳаётий вазиятларни инобатга олган ҳолда ёндашиш (М.Кремень, Т.Крюкова, Н.Фетискин, П.Слоун, М.Хейл, К.Рассел, Э.Харшман, Ў.Шамсиев ва б.);

психологик тадқиқотларда синергетик акмеология асосида ёндашиш (В.Бранский, С.Пожарский, А.Субетто, Ш.Баратов ва б.) кабилар шулар жумласидандир.

Ҳар бир таълимот, аниқ концепт асосида амал қилиб, психологик тадқиқотларни амалиёт билан боғлиқлигини таъминлашда қўйидаги шартли тадқиқий қадамлар асосида тадқиқий хараатларни бажаришни тақозо этади: “тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларини белгилаш + тадқиқот объектини танлаш ҳамда уни умумий ва хусусий жиҳатларини ажратиб олиш + тадқиқот предметини ажратиб олиш + тадқиқот методларини (жумладан математик-статистика методларини) танлаш ва қўллаш + психологик ахборотларни сабаб ва оқибат алоқадорлигини инобатга олган тарзда таҳлилини амалга ошириш + амалий тадқиқот асосида жамланган психологик ахборотларни, бошқа бир (ўхшаш) тадқиқотнинг натижаси билан (балл ёки фоиз кўрсаткичи бўйича) қиёслаш+илмий муаммони (психик ҳолат, психик жараёни) навбатдаги ривожланиш ҳолатига (идеал ҳолатга) келтириш учун тавсиялар келтириш = психологик таҳлилнинг хулосаси ва тавсияларини амалиётга жорий этиш механизмини белгилаш”.

Шартли тадқиқий қадамлар тадқиқотчи учун ўрганилаётган психологик муаммони (психик ҳолатни ёки жараёни) функционал жиҳатдан узвийлигини таъминлаб, жорий ҳолатини (масалан, ўқувчиларнинг жорий хулқ моделини) тизимли идрок этиб, психологик тизим кўринишида тавсифлаш имконини беради. Айнан шу жиҳати амалий психологик тадқиқотларни методологик асосини таъминлаб, тадқиқот натижаларини диагностик ва прогностик аҳамиятини таъминлайди. Психология фанининг ютуқларини амалиётга (оила ҳаётини



таъминлашда, таълим-тарбияда, ишлаб чиқаришда, турли даражалардаги бошқарувда ва б.) жорий этишда бу кўрсаткич жуда муҳим ҳисобланади. Шу сабабли, бугунги кунда психология фанининг методологиясини фан сифатида ўқитишни такомиллаштириш масаласи этник омилни инобатга олиш контекстида ҳам долзарблашмоқда. Фақатгина балл ва фоизларни келтиришни ўзи кифоя эмас. Чунки “Инсон - Инсон” муносабатлар тизимида маданий, диний ва этник омилларнинг таъсир даражаси доминантлик қилиб, вазиятни ҳам инобатга олишни тақозо этади.

Ижтимоий институт сифатида психология фани нафақат ўтмиш ёки юзага келган жараёнларни тушунтира олади, балки психик жараёнларнинг диагнози ҳамда прогнозини ҳам амалга ошириб¹, тадқиқотчи учун ўрганилаётган жараённи англашни таъминлаб, ижтимоий-маданий аҳамиятдорлигини даражавийлиги бўйича белгилаш имконини беради. Камолотнинг ҳар бир босқичида психик жараёнлардаги (“эндопсихика” ва “экзопсихика” даражаларида) сон, сифат ва тузилмавий ўзгаришлар муҳит ва ижтимоий институтларнинг таъсири остида юзага келади (“экзопсихика”). Инсон муҳит ва ижтимоий институтларнинг таъсирига жавоб тариқасида бирон хулқ намунасини намоён этади. Илмий маълумотларни қиёсий таҳлили асосида уларни қуйидагича кўрсатиб ўтиш мумкинки, таълим муассасасининг психологини фаолиятини таъминлашда амалий мазмун касб этади:


- перцептив хулқ намунаси тарзида;
- ассертив хулқ намунаси тарзида;
- тақводор хулқ намунаси тарзида;
- ҳимоявий хулқ намунаси тарзида;
- индуктив хулқ намунаси тарзида;
- ролли хулқ намунаси тарзида;
- сценарияли хулқ намунаси тарзида;
- моделлаштирувчи хулқ намунаси тарзида;
- босиқ хулқ намунаси тарзида;
- атрибутив хулқ намунаси тарзида;
- эмпатик хулқ намунаси тарзида ва б.

Шахснинг сифатларини (К.Платоновнинг назарияси бўйича) иерархик тузилишга эга бўлган психологик белгилар бирлаштиради. Булар: биологик ва ижтимоийликнинг бирлиги, йўналганлик (эътикод, дунёқараш, шахсий қадриятлар, қизиқишлар) ҳамда тажриба (билим, кўникма, малака, одат).

В.Гарбузованинг концепцияси бўйича, шахсда мавжуд еттига инстикдан биронтаси доминантлик қилса, индивидуал типология вужудга келади. Ва ҳар бир инсон уларнинг бирига мансубдирки, таълим-тарбия жараёни уни инобатга олиш камолот жараёнини самарали кечишини таъминлайди. Булар қуйидагилар:

- I – “эгофиль” тоифа;
- II – “генофиль” (лот. genus – уруғ) тоифа;
- III – “альтруистик” (ўз манфаатларидан воз кечувчи) тоифа;
- IV – “тадқиқий” тоифа;
- V – “доминант” тоифа,
- VI – “либертофиль” (лот. libertas – эркинлик) тоифа,

¹ Ғозиев Э., Самаров Р. Илмий ижод ва олимнинг шахси // Таълим муаммолари. 2014. 2 – сон. – Б. 69 – 73.



VII – “дигнидофиль” (лот. dignitas – фазилат) тоифа.

Хулқ намунасини ифода этувчи (субъект), маълум кечинмаларни ташувчиси ҳамда ташқи омилларнинг таъсирига тушиш ёки тушмасликни индивидуал тарзда белгиловчи ҳисобланади². Агарда, ижтимоий меъёрларга амал қилиш шарт бўлса ёки этник меъёрларни намоён этиш талаб этилса, субъект томонидан аниқ хулқ стратегиясини танлашга тўғри келади. Таълим муассасаси мисоли бу жараён мураккаб кечиби, ўқувчилар асосан сценарияли ва химоявий хулқ намуналари асосида ўз ҳаракатларини амалга оширадидлар. Натижада, психолог хулқ намунасини шакллантириш бўйича психологик маърифат ишларини амалга оширишига тўғри келади.

Бу ўринда этник хулқ намунасига тўхталиб ўтишга тўғри этниклик, психологик яхлитлик ҳисобланиб, ўзида коммуникатив, когнитив, ҳиссий-иродавий, эҳтиёж ҳамда мотивация соҳаларини, етакчи қадрият, маиший ва ижтимоий вазият каби хусусий хоссаларни мужассам этган бўлади. Натижада тадқиқотчи учун яхлит этник манзарани психологик характеристикасини амалга ошириш имкони пайдо бўлади. Этниклик, қуйидаги таркибларда ифодаланади:


- урф-одатлар (таомиллар);
- анъаналар;
- қадриятлар;
- маиший ҳаёт тарзининг намунаси;
- мулоқот тили ва мулоқот шакллари;
- шарм, ҳаё, андиша, орият, ғурур, уят каби этик хусусиятларни маиший ва ижтимоий муносабатларда сақланиши ва ифода этилиши (меъёрлар);
- этник тасаввурлар;
- этник стереотиплар;
- этник ҳис-туйғулар;
- этник тарзда ўзини намоён этиш даражаси;
- фаолият турлари;
- имо-ишоралар воситасида муносабат билдириш тарзи кабиларда.

Этнопсихологик хусусиятлар худудлар кесимида ҳам фарқланиб, “архаик” қадриятларни сақлаб келаётганлиги билан ажралиб туради. Гоҳида қўлланилган психологик тестлар (методикалар) шунчалик “қуруқ балл” кўринишига эга бўлади ёки фойдаланилган сўровномалар этнопсихологик ахборотларни олишга мўлжалланмаган бўлади. Амалий тадқиқотлар асосда жамланган рақам ва балларни “гапиртириш” учун тадқиқотчи: эмпирик ва тарихий (тарихий-эмпирик) – фундаментал-тарихий билимларни; табиий ва прогностик (прогностик-табиий) – фундаментал-прогностик билимларни; сунъий ва тарихий (сунъий-тарихий) – технологик-мантикий билимларни; тезкор ва протобилим (прогностик-тарихий)– технологик-прогностик билимларнинг онтологик бирикмасини эгаллабгина қолмасдан (махсус компетенция сифатида), уларни илмий фаолиятда қўллаб билиши лозим бўлади. Айнан онтологик бирикмагина, тадқиқотчи учун вазифадорлиги жиҳатидан психологик жараёнларнинг динамикасини белгиловчи **ўчта нуқтани**, яъни:

психик жараёнларни шаклланиш нуқтасини;

психик жараёнларни ривожлантириш нуқтасини;

² Саморегуляция и прогнозирование социального поведения личности / Под ред. В.А. Ядова. - Л., 1979. – С.39.



психик жараёнларни такомиллаштириш (коррекциясини амалга ошириш) нуқтасини белгилаб беради.

Шу тариқа амалий тадқиқот натижалари асосида ижтимоий-психологик ва этнопсихологик хусусиятларни назарий тавсифи тўлиқ ифодаланиши учун бирламчи-базавий асос яратилади. Чунки фарқлиниш географик ва ижтимоий муҳитнинг таъсири натижасида шаклланиб, ўзгача архитектурани ифода этади. Уларнинг моҳиятини англаш учун этнопсихологик хусусиятни аниқ, яъни ўзгармас белгилари асосида ажратиш лозим бўлади. Бунинг учун маиший ҳаёт тарзи ёки бирон-бир фаолият турини (меҳнат, мулоқот, когнитив ва бошқалар³) қиёсий таҳлилини амалга ошириш тавсия этилади. Боз устига, этнос психологиясининг таркибий қисми этник характер, этник темперамент, этник урф-одат, этник қизиқиш ҳамда этник онгдан таркиб топганлигини инобатга олсак⁴, этнопсихологик хусусият-мажмуа шахс камолотини таъминлашда психолог учун “психологик қурол” вазифасини бажара олади.

Ҳар бир этнос ўзига хос бўлган характерли хусусиятлари билан бошқа бир этнодан ажралиб туради. Ижтимоий муносабатлар доирасида ўзгариши лозим бўлган хусусиятлар эса, аниқ макон ва вақт кўламида такомиллашиб боради. Жумладан, этнодаги эгоцентризм, гуруҳий-центризм ва универсал-гуманистик жиҳатлар коммуникатив акт давомида бўрттириб, ҳажвий талқинда етказилаётган маълумотларнинг ишончлилики даражасига у ёки бу тарзда таъсир кўрсатади. Унинг моҳиятини фақатгина ўша этнос вакилигина тўлиқ идрок этади.


Тарихий вақт, ижтимоий ва маданий макон ҳамда замон оралиғидаги тафовутлар шахснинг тафаккур маданиятида, дунёқарашида, ҳодиса ва жараёнларга муносабат билдириш тарзида сезиларли таъсир кўрсатади. Психолог/тадқиқотчи этник характер (унинг таркибий қисми: этник темперамент, у - “қўзғалувчан”, “шаддо”, “босик”, “мувозанатли”, “инерт”, “су” бўлиши мумкин, миллий эмоциялар, улар - завқлиниш, афсоналарни илоҳийлаштириш соҳасида “скептистик” бўлиши мумкин, миллий ҳиссиёт - “миллий ғурур”, “камситилганлик”, миллий идрок - “миллатнинг тарихий роли”, “мўлжаллари”) ҳақида, уларнинг таркибий қисмларига оид чуқур маълумотга эга бўлсагина, унинг фаолияти самарали кечади.

Ҳар бир этносни идрок майдони доираси иккига бўлинган, яъни “ўзимизники” (уларнинг маданияти, урф одати, хўжалик юритиш тарзини ҳурмат қиладиган, “табу”ларни билиб, уларга риоя этадиган) ва “беғоналар” (урф-одат, ижтимоий ҳаёт тарзи ва муносабатлар тизимини, миллий маданиятини билмайдиганлар). Бу жиҳат шахснинг фаолиятида “субъект-субъект” каби муносабатларни ўрнатишга таъсир кўрсатади. Ва бу таъсир диҳоматик мазмун касб этади. Яъни, гоҳида ижобий ва гоҳида салбий маънога (кўринишга) эга бўлади⁵. Шу сабабли, шахс камолотини таъминлашда миллий хусусиятларнинг позитив ва конструктив мазмун касб этадиган жиҳатларига урғу бериб, негатив ва деструктив жиҳатларини психокоррекциясини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун, психологик тадқиқотлар учун методологияни танлашда тадқиқотчи (психолог) инсон олий қадрият эканлигини инобатга олиб, тадқиқот натижалари миллий манфаатларни ҳимоя қилишга, ижтимоий, иқтисодий ва

³ Шадриков В.Д. Психологический анализ деятельности как системы // Психологический журнал. 1980. Т.1., № 3. - С. 33-46.

⁴ Самаров Р. Шахсда миллий хусусиятларни камол топтиришда “homo ethnicos” феномени: ижтимоий ва этнопсихологик талқин // Шахсда илмий дунёқараш ривожланишининг психологик имкониятлари ва тарбиявий жиҳатлари. Илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2019. – Б.23-25.

⁵ Ўша манба. – Б.26-27.



маданий тараққиётни ривожлантириш учун қай даражада муҳимлигидан, аниқроғи индивидуал-маънавий яратувчанлигининг ҳосиласи бўлмиш илмий-психологик янгилиги, хулоса ҳамда манзилли тавсияларнинг ижтимоий-маданий жиҳатларига жиддий эътибор қаратиш лозимлиги тавсия этилади. Чунки ҳар қандай мавзуга бағишланган психологик тадқиқотлар “Алоҳида инсон → Гурух/Жамоа → Жамоат = Жамиятдаги муносабатлар намунаси” тарзида ифодаланиб, хусусий ижобий ўзгаришлар ижтимоий муносабатларнинг позитив кечишини таъминлаш учун хизмат қилади. Шу боис, амалий-психологик тадқиқотлар мавзусини танлашда, ижтимоий, иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳаётда ифодаланган муаммоларни (деструкцияларни) эмпирик тарзда ўрганиб, уларни бартараф этиш механизмини белгилашда интегратив тарзда ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Шунда, психологик тадқиқотларни илмий-амалий аҳамияти ошади, назария ва амалиёт бирлиги принципи таъминланадики, мазкур тадқиқотчининг муваффақиятга эришганлиги саналади.

Адабиётлар:

1. Аллахвердов В. М. Психика и сознание в логике познания // Ж. Вестник СПбГУ. Сер. 16. 2016. Вып. 1. – С.35-46.
2. Ғозиев Э., Самаров Р. Илмий ижод ва олимнинг шахси // Таълим муаммолари. 2014. 2 – сон. – Б. 69 – 73.
3. Володарская Е.А. Социально-психологическая концепция имиджа науки в обществе // Диссертация доктора психологических наук. – М.: МГУ, 2009. – С. 66.
4. Коростылева Л. А. Проблема самореализации личности в системе наук о человеке // Психологические проблемы самореализации личности. – СПб., 1997. – С. 13-20.
5. Саморегуляция и прогнозирование социального поведения личности / Под ред. В.А. Ядова. - Л., 1979. – С.39.
6. Шадриков В.Д. Психологический анализ деятельности как системы // Психологический журнал. 1980. Т.1., № 3. - С. 33-46.
7. Auydede M., Guzeldere G. Cognitive architecture, concepts, and introspection: an information-theoretic solution to the problem of phenomenal consciousness // Nous. Bloomington, 2005. - Vol. 39, N 2. - P. 197-255.